



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG‘ONA VILOYATI
DANG‘ARA TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2021 yil “_____” _____

№ _____

Данғара шаҳарчаси

Тумандаги “Zokirov Meliqo’zi tarovati” фермер хўжалигининг 14.68 гектар ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476–сонли қарорига, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6 ва 36-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддасига, Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи комиссияси”нинг 2020 йил 29 декабрдаги далолатномасига ҳамда тумандаги “Zokirov Meliqo’zi tarovati” фермер хўжалиги раҳбари И.Зокировнинг фермер хўжалиги тасарруфидаги жами 14.68 гектар, шундан 12.7 гектар суғориладиган экин ер майдонини туман ҳокимлиги захирасига қайтариб топширишга рухсат сўраб ёзган аризасига асосан;

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тумандаги “Zokirov Meliqo’zi tarovati” фермер хўжалиги раҳбари И.Зокировнинг аризаси қаноатлантирилсин ҳамда Данғара туманида “Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига оид эҳтиёжлар учун ер майдонларини танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи комиссияси”нинг 2020 йил 29 декабрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Zokirov Meliqo’zi tarovati” фермер хўжалиги тасарруфидаги 504, 501, 503, 552, 551, 550-контурлардаги жами 14.68 гектар шундан, 12.71 гектар экин ер майдонлари, 0.51 гектар ариқ ва зовурлар ва 0.26 га йўллар ўрни, 1.21 гектар бошқа ерлар туман ҳокимлиги захирасига **қайтариб олинсин** ҳамда 603, 604, 617, 619, 615, 612, 613, 794, 793, 622, 608, 611, 815, 820, 821, 568, 548, 564, 563, 567, 558, 550, 557, 559, 560, 562, 565, 555-контурларидаги жами 92.0 гектар, шундан 75.5 гектар экин ер майдони, 4.5 гектар ариқ ва зовурлар ўрни, 1.4 га йўллар ўрни ва 10.6 га бошқа ерлар фермер хўжалиги тасарруфида **қолганлиги** белгилаб қўйилсин.

3. Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими (О.Умаров)га, туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (А.Қўзиев)га, туман Ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Д.Мухаммаджонов)га, туман Давлат Солик инспекцияси (А.Шамсиддинов)га, туман Статистика бўлими (Т.Кимсанов)га; туман ҳокимлиги захирасидаги ер майдонига ўзгартириш киритилиши муносабати билан ўз ҳуқуқ доираларидаги вазифаларни бажариш топширилсин.

4. **“Zokirov Meliqo’zi tarovati”** фермер хўжалиги раҳбари (И.Зокиров)га: туман ҳокимлиги билан “Ерни узоқ муддатли ижарага бериш” шартномасини қайта тузиш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари А.Мирсодиқов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Ш.Тожиҳакимов.